

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА СИФАТНИНГ МАЗМУНИ ВА МОХИЯТИ

Лутфуллаев П.М.

Уибу мақолада олий таълимда сифат тушунчаси ва сифат масаларининг талқини хорижий манбалар асосида таҳлил этилган. Хорижий тажрибалар эса Ўзбекистондаги тажрибалар билан қиёсланган. Олий таълимда сифат тушунчасини талқин қилишида Диана Гриннинг қараашлари очиб берилган. Сифатни белгилаш ва баҳолашиб хар доим баҳс мунозалар ичидаги бўлиб келганлиги мисоллар билан ёритилган. Британиялик муаллифлар Жаксон ва Лунднинг олий таълимдаги сифатни баҳолашиб масалаларига ёндошишида «концептуал тизим»и таҳлил этилган. Олий таълимда сифатга бўлган қизиқшининг пайдо бўлишига туртки бўлган омил ва факторлар асослаб берилган.

ЗНАЧЕНИЕ И СУЩНОСТЬ КАЧЕСТВА В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ

Лутфуллаев П.М.

В данной статье анализируются понятие качества и вопросы качества в высшем образовании, основываясь на международных источниках. Проведён сравнительный анализ международного опыта с опытом Узбекистана. Освещены видение и взгляды Дианы Грин на толкование понятия качества в высшем образовании. Показано с примерами, что определение и оценка качества всегда являлось предметом дискуссий. Также анализируется концептуальный подход к оценке качества в высшем образовании британских авторов Джексона и Лунда. Обоснованы факторы, послужившие причиной появления интереса к вопросам качества в высшем образовании.

DEFINITION AND DELINEATION THE QUALITY IN HIGHER EDUCATION

Lutfullaev P.M.

In this article the concept of quality and quality issues in higher education are discussed based on the international sources. The international practices are compared with the practices in Uzbekistan. The Diana Green's views on interpretation of the quality in higher education are highlighted. It is highlighted on some examples that the quality assessment and defining was always in dispute

. Also, the article analyses the conceptual approach of British authors Jackson and Lund's to defining the quality of higher education is discussed. The triggered factors and forces in increasing the interest for quality in higher education are justified.

Жаҳоннинг барча олий таълим муассасаларида олий таълим сифати, яъни сифатли кадрлар тайёрлаш ҳамма вақт ҳам долзарб масала бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Сифат масаласи, айниқса, XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида яна ҳам муҳим ахамият касб этмоқда. Аксарият давлатларда олий таълим муассасаларининг давлат тасарруфидан чиқарилиши, хусусий университетларнинг кўпайиши, шу билан бирга, таълим

ҳам иқтисодий тизимда товар каби баҳоланиши унга ўз мижозлари (буортмачи талаблари)га эга бўлиши, бунда олий таълим муассасаларининг рақобатга киришиши уларни сифатли кадр тайёрлашга мажбур қилмоқда. Ҳозирги даврда ва келажакда ҳам ҳар бир олий таълим муассасаси ўз мижозларини ўзи топиши тамойилида ишлайди. Яъни, битирувчиларга бўлган талабнинг кучайиши ўша битириб чиқаётган таълим муассасасининг юқори кўрсаткичларга эга эканлиги ва салоҳиятлилигини билдиради. Мана шундай беғараз рақобат муҳитида таълим муассасаси ростланади, шаклланади ва натижада рақобатбардош кадрлар етишиб чиқади. Демак, рақобатбардош, сифатли кадр тайёрлайдиган олий таълим муассасалари иқтисодий жиҳатдан кучайиб боради. Энди шу ўринда рақобат ва сифатнинг ўзи нима? Унинг қандай компонентлари бор? деган саволга жавоб бериш ва уларни илмий таҳлил этиш лозим. Рақобатнинг луғавий маъноси “рақиб”ликка тақалиб, қандайдир нохуш кайфият қолдирса-да, бозор иқтисодиёти шароитида унинг турган-битгани фойдали.⁸ Рақобат ҳамма вақт ҳам сифатли бўлишга етаклайди. Сифат ва рақобат бир-бири билан боғлиқ ва деярли бирга қўлланиладиган терминлардир. Олий таълимда сифат бу кўп қиррали, кўп даражали, ва динамик тушунча бўлиб, у таълим моделининг мазмуний бирлигига, муассасанинг миссия ва вазифаларига, ҳамда ўзига хос маълум стандартларга боғлиқдир⁹. Батафсилоқ таърифни А.Каримов ва Л.Перегудовлар томонидан берилган: “Олий таълим соҳасида сифат кўп қиррали концепция ҳисобланади. У таълим соҳасидаги барча функция ва фаолият турлари – ўкув ва академик дастурлар, илмий тадқиқот ва стипендијалар, мутахассис ходимлар билан тўлиқ таъминланганлик, таълим олувчилар, бинолар, моддий-техника базаси ва жиҳозларни, жамият ва академик муҳит фаровонлиги йўлидаги барча ишларни қамраб олиши керак.”¹⁰

Россия Федерацияси манбаларида сифатнинг таърифида кўп мунозарали фикрлар баён қилинган ҳолда, унинг қисқа ва лўнда таърифи ҳам берилган, яъни сифат талаблар тавсифига хос мослик даражасидир¹¹. Унинг икки томони кўрсатилади: 1) таълим жараёни натижаси сифати; 2) сифатни таъминловчи системалар тавсифи. Бунга таълим мазмуни, абитурентларни тайёрлаш жараёни, педагог кадрлар, ахборот-методик таъминот, таълим технологиялари, илмий фаолият кириши айтилади.

Шу билан бирга, сифат тушунчаси олий таълимдан манфаатдор гурӯхлар ва турли ваколатли ташкилотлар томонидан турлича қабул килиниши мумкин.

Халқаро ахамиятга эга бўлган манбаларда унинг уч компоненти ҳақида маълумотлар учрайди:

1. Таълим субъектлари. У қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- таълим ташкилотчилари. Уларга ректор, деканат, ўкув бўлими, кафедралар киради;

⁸ Баркамол авлод орзуси, Т., 2000. 165-бет.

⁹ Lazăr Vlăscceanu, Laura Grünberg, and Dan Părlea. (2004). *Quality Assurance and Accreditation: A Glossary of Basic Terms and Definitions*. Bucharest: UNESCO [ISBN 92-9069-178-6].

¹⁰ Каримов А.А., Перегудов Л.В. Основы системы мониторинга и управления качеством высшего образования. Т-2003. Стр. 46., Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти.Т-2002. 51-б.

¹¹ Левшина В.В. Развитие методологии создания системы менеджмента качества вузов// Университетское управление. Архив. 2003, № 2, стр.1.

- таълим хизматларини кўрсатувчи шахслар. Уларга профессор-ўқитувчи, методист, маслаҳатчи, лаборант, дастур ва ўкув адабиётлари

киради;

- таълим хизматларидан баҳраманд бўлувчи шахслар. Уларга талаба ва тингловчилар киради.

2. Таълимнинг меъёрий ҳужжатлари. Уларга таълим концепциялари ва парадигмалари, ўқитиш технологиялари, ўқув адабиётлари, сифатли билимларни бериш ва назорат қилиш методлари киради.

3. Таълим муҳити. Бунга ижтимоий, маданий, психологик муҳитлар киради¹².

Юқоридаги компонентларга кирган ҳар бир қисмдаги тайёргарлик даражаси пировардида олий таълим сифатини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаси фаолиятида юқоридаги компонентлар мавжуд, лекин уни сифат даражасига кўтариш лозим. Бунда хорижий тажрибаларни ўрганиш шу соҳада такомилга эришиш учун асос бўлади.

Айтиш мумкинки, бу соҳада иш олиб боришга Ўзбекистон Республикасида тўлиқ шароит яратилган. Жумладан, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да шундай дейилади: “Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳуқуқлари, бола ҳуқуқи соҳасидаги шартномалар ва конвенцияларнинг бажарилиши, кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳон илғор тажрибасини ҳисобга олиш, узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча жиҳатларига дахлдор бўлиб, унинг ривожланиш омилларидир.”¹³

Ўзбекистон Республикасида илм-фан ва таълим тизими дунё тажрибалари асосида янада бойитиб борилади ва шу тариқа глобаллашув жараёнида мамлакатимиздаги олий таълим жаҳон таълим тизимида ўз ўрнини топиб бормоқда. Демак, таълимдаги «сифат» категорияси етакчи компонент бўлиб хизмат қиласи. Халқ ҳўжалиги ва таълимнинг қайси тури ва босқичи бўлмасин, унинг бозор иқтисоди шароитида яшashi ва амал қилишида сифат мезони асосига таянади. Олий таълим соҳасида сифатнинг таъминланиши провардда етук кадрлар тайёрлашга сабаб бўлади. Бу исбот талаб қилмайдиган аксиома бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва олий таълим муассасаларининг бош масаласига айланган¹⁴. Албатта, ўқув жараёни сифати ва кадрлар тайёрлаш сифати бир-бирини тақозо қиласиган категориялардир. Бу борада Ўзбекистон Республикасида жиддий ишлар амалга оширилган: «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўлиғича амалга оширилмоқда, олий таълимда икки босқичли таълим, талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими, замонавий ўқув адабиётлар яратилган, таълимда инновацион технологиялар жорий этилган, ва ҳ.к. Шу билан биргаликда жаҳон тажрибалари ҳам ўрганилмоқдаки, бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистондаги олий таълимнинг жаҳон олий таълимининг таркибий қисми сифатида глобаллашув жараёнларида ўз ўрнини топиб олаётганлигидан далолат бермоқда. Бу каби

¹² Наймушин А.И. Структура системы управления качеством образования. Основные направления развития

/ Интернет янгиликлари // Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш маркази ахборотномаси, 2004, Январь, 7-б.

¹³ Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури//Олий таълим, “Шарқ”: Т., 2001, 29-б.

¹⁴ Миркурбанов Н.М, Аношкина В, Данилова-Кросс Е. высшее образование в Узбекистане: состояние и рекомендации. / Аналитическая записка, 2009. № 1 (12), www.undp.uz/publications

жараёнлар илмий жамоатчилик томонидан янада ўрганилиши лозим. Шунинг учун сифатнинг моҳиятини тўлиқ англаш ва талқин этиш эҳтиёжлари пайдо бўлди. Бунда жаҳон тажрибасини танқидий таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, олий таълимда сифат ва сифатни баҳолаш масаласи XX асрнинг охирида дунё миқёсида энг долзарб масала сифатида майдонга чиқкан. ЮНЕСКО томонидан 1998 йилда ўтказилган конференцияда бутун дунё деклерацияси қабул қилинди ва унинг 11-моддаси “Сифатни баҳолаш” деб номланди ва унда сифат олий таълим соҳасида кўп ўлчамли концепция деб таърифланди. Унга кўра ўқув ва академик дастурлар, илмий тадқиқот ишлари, профессор-ўқитувчилар, талабалар, ўқув бинолари, моддий-техника базаси, жиҳозлар, жамият учун жон куйдириш, академик муҳит сифатни белгиловчи дастурлар сифатида келтирилади. Шунингдек сифатни баҳолайдиган ташкилотлар тўғрисида маълумот берилади¹⁵.

Ахборот манбаларидан олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, жаҳон олий таълимидағи сифат тушунчасини ёритиб бериш ва унинг универсал изоҳи бўйича муайян ва якуний тўхтамга келинган эмас. Шундай бўлса-да, уни талқин ёки интерпретация қилиш орқали тушунтириб беришга дунёда жуда кўплаб олимлар ҳаракат қилганлар. Бу борада ғарб олимларининг турлича қарашлари юзага келди.

Олий таълимда сифат тушунчасини талқин қилишда Диана Гриннинг қарашлари ўзига хосдир¹⁶. У сифатнинг анъанавий маъноси (the traditional concept of quality) тўғрисида фикр юритади. Унга кўра, мижозларга талаблар даражасида маҳсулот етказиш, сервис кўрсатиш ва муваффақиятга эришиш, имиджга эга бўлиш сифат ҳисобланади. Масалан, Мерседес ёки Ролс Ройс (Rolls Royce) автомобил компанияларининг маҳсулотлари, олий таълимда эса Оксфорд ва Кембридж университетларининг талабалар ва тадқиқотчилар ўртасида имиджга эга бўлиши яққол мисол бўла олади. Масалан, Оксфорд университетида ҳозирги кунда 20 мингдан ортиқ ортиқ талаба таҳсил олади, уларнинг 11734 таси бакалавр ва 8101 таси бакалаврдан кейинги (магистратура, докторантурда ва б.) босқич таълим олувчилари. Талабаларнинг 35 фоизи чет элликлардир. Шундан АҚШ (1421), Хитой (705), Германия (632), Канада (355), Хиндистон

(308), Австралия (253), Франция (198), Ирландия (188) ва Италия(178)ликлардир¹⁷. 85 нафар нобел лауреатларини дунёга берган Кембридж университетида ҳам 19 минг талабанинг 38 фоизи хорижликлардир. Улар кўп йиллардан бери дунё рейтингларида юқори поғоналарни эгаллаб келмоқда. Масалан, охирги Кембридж университети 2005 йилги “Таймс олий таълим рейтинги(Times Higher Education-QS World

¹⁵ Всемирная Декларация о высшем образовании для XXI века: подходы и практические меры / Интернет янгиликлари // Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш маркази ахборотномаси, 2002, Сентябрь, 6-сон, 22-бет.

¹⁶Green, Diana, ed. (1994). What is Quality in Higher Education?. Society for Research into Higher Education, Ltd., London (England). p1-21.

¹⁷ http://www.ox.ac.uk/about_the_university/facts_and_figures/index.html

University Rankings)"да 3 ўринни ва 2006 йилги Хитойнинг Жио Тонг университетидаги Олий таълим тадқиқот маркази(Higher Education Research institute of Jiao Tong University in Mainland China) жаҳон университетлари лигаси (The World's Leading Universities)да 2 ўринни эгаллаган¹⁸.

Диана Грин маҳсулот ёки сервисларнинг стандартлар ёки спецификацияларга мувофиқлиги (Conformance to specification or standards) тўғрисидаги фикри ҳам кенг тарқалган. Олий таълимда талабанинг ўзлаштиришидаги юқори натижа ва етарлича малакага эга бўлиши стандартлар орқали баҳоланади. Масалан Британия олий таълим муассасаларида “Академик стандарт”ларга мувофиқлик бўлиш ҳам сифатли деб қабул қилинади.

Д.Грин сифатнинг мақсадга мувофиқлиги (Quality as fitness for purpose) ҳақида ҳам фикр билдиради. Д.Грин бу ғояни бир неча саволлар қўйиш орқали тушунтириб беради: олий таълимнинг мақсади жамиятга етук кадрларни етказиб бериш бўлса, у ҳолда бу вазифани улар уddeлай оляптими, таълим дастурлари етарлича билим ва кўникмаларни акс эттира олганми, муассаса ўзи белгилаган истиқбол (vision) ва миссиялар адо этилмоқдами? ва х.к. Демак, ушбу қарашлар таълим стандартлари сифатининг асосини аниқлашда асос бўлади деб баҳоланди.

Олий таълимнинг мақсадини аниқлаш ва интерпретация қилишда турли қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд. Олий таълим мақсадини талабалар, ўқитувчилар, илмий ходимлар, раҳбарият ёки хукумат аниқлаб бериши мунозараси ҳам бор. Албатта, ушбу манфаатдор гурухларнинг олий таълимдан кўзлаган мақсадлари бир-бирларидан айни ўринда фарқли ва уларнинг уйғунлиги ҳам бор. Бу эса олий таълимнинг кўп мақсадли эканлигини ҳам кўрсатади.

Д.Грин сифат мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларига қаратилганлигини (Quality as meeting customers' stated or implied needs) таъкидлайди. Бундай фикрни Л.Власеану, Л.Грунберг ва Д.Парлеулар ҳам тасдиқлайдилар¹⁹. Дунёда кейинги 20 йил мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш маълум бир андозаларга эмас, балки мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб амалга оширилди. Лекин ишлаб чиқаришдан фарқли ўлароқ давлат секторларида «мижоз»нинг ким эканлиги ҳам мунозара қилинади. Айниқса, олий таълимда мижозни аниқлашда фикрлар қарама-қаршилиги мавжуд. Олий таълимдаги мижоз деганда, унинг хизматидан фойдаланувчилар (талабалар)ми ёки хизмат кўрсатувчилар (ўқитувчи ёки хукумат)ми? Талаба мижозми ёки «маҳсулот»ми ёки ҳар иккаласими? Албатта, талабанинг интеллектуал эҳтиёжидан келиб чиқадиган хизматлар(яхши кутубхона, шинам ётоқҳона ёки бошқалар билан таъминланганлик)нинг сифат даражасини баҳолаш осон. Лекин олий таълимда у бошқа жараёнларда

¹⁸ Simon Marginson, Marijk van der Wende. 2007. *To Rank or To Be Ranked:The Impact of Global Rankings in Higher Education//Journal of Studies in International Education*, Vol. 11 No. 3/4, Fall/Winter 2007 306-329, 5-бет. ¹⁹ Lazăr Vlăsceanu, Laura Grünberg, and Dan Pârlea. (2004). *Quality Assurance and Accreditation: A Glossary of Basic Terms and Definitions*. Bucharest: UNESCO [ISBN 92-9069-178-6]. 45 бет.

кечади, чунки унда хизматнинг мазмуни деганда, ўқитиш ва ўрганиш жараёни ҳамда ўқитувчи ва талаба ўртасидаги муносабат ва мулоқот бўлиб қолмоқда. Ишлаб чиқаришдан фарқли ўлароқ, олий таълимда хизмат кўрсатиш ёки ишлаб чиқариш жараёни талаба ва ўқитувчи ўртасидаги уйгунликда акс этади. Шунингдек, олий таълимдаги сифат мезонларини фақат талабанинг талаб ва истаклари белгиламайди, балки олий таълимда раҳбариятни таълим жараёни сифати қизиқтириша, талаба, ота-она ва буюртмачиларни эса таълим натижалари сифати кўпроқ қизиқтириши мумкин. Олий таълим ва унинг мижози борасида Ўзбекистон Республикаси таълим тўғрисидаги манбаларда ишлаб чиқариш кадрлар тайёрлаш тизимида буюртмачи ва истеъмолчи функцияларини бажариб, тегишли соҳалар учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнида фаол иштирок этиши таъкидланган²⁰.

Сифатни белгилаш ва баҳолаш ҳам ҳар доим баҳс мунозалар ичida бўлиб келган. К.Камбел ва К.Розниаларнинг: «Сифат баҳоланмайди ва ўлчанмайди, балки илм ахли томонидан сифатнинг қаерда ва қачон таъминланиши тан олинади» деган талқини ҳам мавжуд ва у ҳам турли мунозараларнинг яна ҳам кучайишига сабаб бўлади²¹. Британиялик муаллифлар Н.Жаксон ва Х.Лунд олий таълимдаги сифатни баҳолаш масалаларига ёндашишда «концептуал тизим»га асосланадилар (1.1-жадвал)²². Ушбу тизим олий таълимнинг асосий моҳияти ва функцияларидан ташкил топган бўлиб, улар «Кирим ва ресурс» (Input),

«Жараён» (Process), «Натижа ва мақсад» (Output) каби кетма-кет таъсир қилувчи бўлимларга бўлинган. Сифатни белгиловчи «Кирим ва ресурс» бўлимида таълим жарёнини йўлга қўйиш учун зарур бўлган барча ресурс турлари ҳисобга олинган. «Жараён»нинг самарали олиб борилиши ва

«натижа»га эришишда ресурслар сифатига ва андозага мос келишига алоҳида аҳамият берилади. Умуман олганда, «Кирим ва ресурс», «Жараён»,

«Натижа ва мақсад» элементлари таълим тадқиқотларининг асоси ҳисобланиб, аксарият адабиётларда кенг ёритилган. Норвегиялик муаллифлар Й.Ченг ва В.Там ҳам ушбу элементлар асосида олий таълим сифатини белгилаш керак деб биладилар²³. Стандартлар ҳам шу бўлимлар бўйича белгиланиши таъкидланган. Улар Д.Грин фикрларига қўшилган ҳолда, сифатни белгилашда олий таълимдан манфаатдор гурухлар, яни

«мижоз»лар томонидан кутилажак талаб ва истаклар асосида амалга оширилишини қўллаб-қувватлайдилар. Ченг ва Там манфаатдорларни ички ва ташқи гурухларга бўлиб, ички гурухни олий таълим муассасаси

²⁰ Баркамол авлод орзуси. Т., 2000 йил. 201-бет.

²¹ Carolyn Campbell and Christina Rozsnyai, 2002. Quality Assurance and the Development of Course Programmes. Bucharest. UNESCO-CEPES. p.14-15

²² Jackson, N., Lund, H., (2000) *Benchmarking for Higher Education*. Buckingham: SRHE and Open University Press. p.33

²³ Cheng, Y.C. & Tam, W.M. (1997) Multi-models of Quality in Education. *Quality Assurance in Education*, University of Oslo. 5, pp. 22-31

талабалари, ўқитувчилари, ишчи-ходимлари ташкил этса, ташқи гурӯҳни вазирликлар, давлат ва хусусий ташкилотлар, органлар ва талаба бўлишни истовчи ёшлардан иборат деб биладилар.

1.1-жадвал: Жаксон ва Лунднинг «концептуал тизим»и

Кирим ва ресурс (Input)	Жараён (Process)	Натижа мақсад (Output)
<p>Талаба: унинг дастлабки билим савияси, қобилияти, соҳаси ва малакаси</p> <p>Ўқитувчи ходим: илмий салоҳияти, малакаси, экспертлик даражаси, компетентлиги, ривожланувчи таълимга тайёрлиги</p> <p>Жисмоний ресурслар: турар жой, шарт-шароитлар, техника ва жиҳозлар, кутубхона ва информацион технология имкониятлари</p> <p>Молиявий ресурслар: талаба ва ўқитувчи ходимларга сарфланадиган сарф харажатлар</p> <p>Ташқи ресурслар: но-академик мутахассислардан фойдаланиш, олий таълим муассасаси қарамоғида бўлмаган техника ва жиҳозлардан фойдаланиш</p>	<p>Таълим дастури ва ўқитиш шарт-шароитлари билан танишириш Ўқув дастурлари дизайнни ва баҳолаш Ўқитиш ва ўрганиши: стратегиялари ва методлари, эффективлиги, инновацион ёндашувлар</p> <p>Талабаларга раҳбарлик ва қўллаб-қувватлаш: академик ва индивидуал сабоқ бериш тизими, қўлланма ва бошқа турдаги маъруза матни ҳамда маълумотлар, лойиҳаларга раҳбарлик қилиш</p> <p>Талабалар фаолиятини қайд қилиш тизими: талабанинг ўзлаштиришини баҳолаш ва ҳисобот тайёрлаш</p> <p>Менежмент ва административ бошқарув тизими</p> <p>Таҳлилий ишлар ва камчиликларни тузатиш.</p> <p>Талабалардан ёки</p>	<p>Талабанинг рақобатбардош кадр бўлиб етишиши, юқори рейтинга эга бўлиши, таълим стандартларини бажариши, узлуксиз таълимнинг кейинги босқичига тайёр бўлиши</p> <p>Ўқитувчи ходимлар: уларнинг ўқитиш, илмий тадқиқотларда, бошқарувда, супервайзорликда маҳсулдорликка ва креативликка эришиши</p>

	ходимлардан келиб тушадиган талаб ва таклифлар асосида	
--	--	--

Жаҳон банки нашрлари ҳам юқоридаги «концептуал тизим»ни янада тўлдиради²⁴. Унда айтилишича, дунё тажрабасидан келиб чикиб, олий таълим сифатига:

- абитуриентларнинг етарлича билим ва қўникмага эга бўлиши;
- ўқитувчи кадрларнинг компетентлиги ва ўқитиш мотивациясининг юқорилиги;
- етарли ахборот ресурслар билан таъминланганлиги;
- халқаро алоқаларнинг амалда бўлиши;
- ўз-ўзини баҳолаш механизмларининг ишлаб чиқилганлиги.
- бакалавриатдан кейинги таълимни ва илмий тадқиқотни кучайтириш;
- бакалавриат таълим дастурларининг амалиёт билан ўзаро боғлиқлиги;
- амалиёт ва олий таълим муассасаси ўртасида алоқаларнинг кучайиши каби бир неча омиллар фаол таъсир кўрсатади.

Олий таълимда сифат масалаларига қизиқиши, асосан, гарб давлатларида ўтган асрнинг 80-йилларидан бошланган. Олий таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг жадаллашуви, олий таълимнинг оммалашуви, олий таълимдан манфаатдор гуруҳларнинг талаб ва эҳтиёжлари ўсиб бориши сифатни тобора оширишга бўлган қизиқишини кучайтирган²⁵. Албатта, олий таълим сифатига бу қадар қизиқишининг ошиб боришига бир неча омиллар сабаб бўлди. Асосий омил бу олий таълим ва давлат ўртасидаги муносабатнинг ўзгаришидир, яъни уни университетларнинг давлат тасарруфидан чиқиши ва уларнинг автономияси таъминланишидир. Баувернинг фикрича, кўп давлатларда ҳукумат олий таълим устидан назорат қилишдан воз кечиб, олий таълим муассасаларининг автономиясига эрк бермоқда²⁶. Айни замонда, олий таълим муассасаларидан таълим сифати ва самарадорлиги талаб қилинмоқда. Европа Иттифоқи мисолида олсак, олий таълимда сифатга бўлган қизиқиши қуидагича омиллар туфайли ривожланиб келган:

- олий таълим муассасаси автономиясининг кучайиши;
- олий таълимга бўлган эҳтиёжнинг ортиши (massification of higher education);

²⁴ World Bank. (1994). Higher Education: The Lessons of Experience. Washington D.C. p66-76.

²⁵ Манфаатдор гуруҳлар деганда кимки шу тизимдан манфаатдор бўлса ёки фойдаланса, яъни талabalар, ўқитувчи ходимлар, талabalарнинг ота-оналари, битирувчиларга эҳтиёжи бор ишлаб чиқариш ёки бошқа ташкилотлар, давлат ва ижро этувчи органлар, ҳукумат ва бошқалар тушунилади.

²⁶ Bauer, M. (1994). Changing Quality Assessment in Sweden. (Westerheijden et al. *Changing Context of Quality Assessment*. Utrecht.)

²⁷ «Ақлий жамият» ёки «Ақлий иқтисод» жисмоний меҳнатга асосланган ишлаб чиқаришдан ақлий интенсив ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга ўтиш, илфор технологиялар асосида оғир қўл меҳнатига барҳам бериш орқали сермаҳсул ва самарадорликка асосланган иқтисод ва жамият деб тушунилади.

- олий таълим муассасалари даромадларининг давлат ажратмаларига нисбатан кўпроқ халқ маблағи ҳисобига ошиб бориши;

- «Ақлий жамият (knowledge society)»нинг пайдо бўлиши²⁷ ва олий таълимнинг маҳаллий, регионал ва Европа иқтисодиётига таъсирининг кучайиши;

- «Европа таълим ва тадқиқот зонаси»нинг яратилиши (Европада Болонья жараёнининг пайдо бўлиши бунга мисол бўла олади),

- олий таълимнинг глобаллашуви ва европалашуви,

- олий таълимда рақобат ва маркетингнинг цивилизацияси²⁸.

Ушбу омилларнинг умумийлигига қарамай, Европа давлатларининг олий таълим ва давлат муносабатлари борасида тутган ўрни турли хил бўлиб қолмоқда. Чунки, гарбий Европа давлатлари олий таълим тизими бир-биридан фарқ қиласди. Масалан, олий таълим муассасалари даромадларининг давлат ажратмаларига нисбатан кўпроқ халқ маблағи ҳисобига ошиб бориши борасида Англияда 50%дан кўпроқ бўлса, Скандинавия давлатларида 5%дан ошмайди²⁹. Европадан фарқли ўлароқ АҚШ, Канада, Япония каби давлатларда эса деярли 60% атрофида маблағ хусусий сектордан келади³⁰. Шунга қарамай, сифат масаласи барча учун тенг талабларга эга.

Т.Гисмадиянинг эътироф этишича, ўтган асрнинг 70-йилларидағи глобал иқтисодий юксалиш ва давлат секторларида сифатли хизмат кўрсатишга бўлган талабнинг ортиб бориши муносабати билан олий таълимда ҳам сифатга бўлган қизиқиш кучайган³¹. Унинг таъкидлашича олий таълим сифатини ошириш эҳтиёжлари қуидаги омиллар туфайли юзага келган:

- давлатдан берилажак маблағни унумли сарфлаш,
- давлатнинг олий таълимга ажратадиган маблағининг камайиб бориши,
- олий таълим муассасасининг автономиясини кучайиши,
- сифатли олий таълимга талабнинг ортиб бориши,
- талabalар сафарбарлигига молиявий кўмакнинг кўпайиши,
- олий таълим ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқликнинг кучайиши,
- олий таълим муассасаларининг халқаро доирадаги ўзаро рақобатнинг кучайиши.

Британияда ўтган асрнинг 80-йилларда олий таълим ислоҳ қилинди ва таълим давлат томонидан стандартлаштирилди. Бу эса олий таълимда сифат масалаларига жиддий эътибор қаратилишига олиб келди³². М.Брукес ва Н.Бекет дунёдаги барча олий таълим тизимларидағи сифат ва рақобатбардошликка эътиборнинг ошиб кетишини ўрганиш натижасида умумий хулосага келиб, уларни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий маданий

²⁸ Standards and Guidelines for Quality Assurance in the European Higher Education Area <http://www.enqa.eu/pubs.lasso>, Helsinki, Finland, 2007. 12-бет.

²⁹ Maureen Brookes, Nina Becket (2007). Quality Management in Higher Education: A Review of

³⁰ Ўша манба, 14-бет.

³¹ Tibor Csizmadia (2006). Quality management in Hungarian higher education. Enschede, Netherlands. P.17-19. ³²Andreas Hoecht (2006). Quality assurance in UK higher education: Issues of trust, control, professional autonomy and accountability. Springer, Higher Education (2006) 51: 541–563

таъсир кучлардан иборат эканлигига амин бўлганлар.

Сиёсий таъсир кучлари (political forces) қўйидаги мазмунга эга:

- давлатларнинг олий таълим олувчилар сафини кенгайтириш ташаббуси;
- давлатларнинг олий таълим муассасаларини қўпайтириши ва ривожлантириши;
- олий таълимдаги ўкув дастурларини давлатлар томонидан назорат қилишнинг кучайиши;
- олий таълимнинг давлат томонидан назорат қилинишининг дунё бўйлаб марказлашган ёки бирлашган тизимининг йўқлиги.

Иқтисодий таъсир кучлар (economic forces):

- талаба бошига ажратиладиган маблағнинг камайиши ва чегараланиши;
- хусусий сектордан келадиган маблағларга таяниб қолиши;
- талабанинг тўлов-контракт пули ёки хорижий талабалар тўлов ҳақига таяниб қолиши;
- ҳар бир талаба бошига сарфланадиган харажатларнинг ошиши;
- хусусий олий таълим муассасаларнинг қўпайиши;
- халқаролашувга қўпроқ эътибор берилиши.

Ижтимоий-маданий таъсир кучлари (socio-cultural forces):

- абутуриентларнинг қўпайиши;
- талабаларнинг турли ижтимоий гурухлардан иборат бўлиши;
- таълим бериш шаклларининг қўпайиши;
- мижозлар талабларининг ошиб боришини кўзда тутади.³³

Маласан, Тинч океани ҳавзаси давлатлари (Австралия, Хитой, Гонг Конг, Ҳиндистон, Япония, Корея, Малайзия, Тайван ва Янги Зелландия)да сиёсий ва иқтисодий таъсир кучларнинг умумийлиги мавжуд. Марказлашган бошқарув ва давлат маблағи ҳисобига таянадиган Европа мамлакатлари(Чехия, Дания, Финляндия, Швеция, Норвегия, Греция, Голландия, Польша ва Туркия каби) олий таълим муассасаларида эса иқтисодий таъсир кучлари умумийлиги мавжуд.³⁴ Шунинг учун бу давлатларда хусусий университетларнинг қўпайиши ва молиялашнинг диверсификацияси кўп учрайди.

Жанубий Америка мамлакатларида аҳоли сонининг кескин қўпайиб бориши ва иқтисодий ўсиш суръатларининг ошиши туфайли бу давлатлардаги олий таълим тизимидағи сифат ва рақобатбардошликка ижтимоий-маданий кучлар қўпроқ таъсир этмоқда.

Турли минтаقا ва мамлакатлarda таълим сифатига қизиқишнинг ўсиб бориши ўзига хос тарзда кечди. Бунга жамиятда, фанда, иқтисодиётда глобализация жараёнларининг бошланиши ва мисли кўрилмаган даражада

тез авж олиши асосий омил бўлди. Бенчмаркинг ёки бошқа метод ва услублар барчаси бир мақсад учун, яъни муассасада сифатга эришиш ва уни кўтариш учун хизмат қиласи.

³³ Maureen Brookes, Nina Becket (2007). Quality Management in Higher Education: A Review of International Issues and Practice / The International Journal for Quality and Standards. P1-10.

³⁴ Ўша манба, 11-бет.

Хулоса ўрнида қўйидагиларни келтириш мумкин:

1. Олий таълимда сифатга эришиш унинг салоҳиятини, иқтисодий барқарорлигини таъминловчи кафолатdir.

2. Хорижий ахборот манбалари бўйича олий таълим сифати ўрнатилган меъёрларга, талаблар бўйича тайёрланган кадрларнинг мослигиdir. Олий таълим муассасаларида сифатни таъминловчи тузилмалар – бу таълим субъектлари, таълимнинг меъёрий асослари ва таълим мухитидир.

3. Хорижий мамлакатларда сифатнинг анъанавий тушунчаси мижоз (талаба, буюртмачи)га юқори даражада маҳсулот (кадр) етказиб бериш, сервис кўрсатиш ва имиджга эга бўлишдир.

4. Хорижий мамлакатларда маҳсулот (кадр) ва сервис (талабаларни ўқитиш) бўйича бир неча қарашлар юзага келганки, улар иқтисодда бўлсин, таълимда бўлсин, муваффақият билан қўлланмоқда.

5. Хорижий мамлакатларда олий таълим муассасалари автономиясининг ошиб бориши уларда сифатли кадр тайёрлаш вазифасини келтириб чиқарар эди. Акс ҳолда бундай олий таълим муассасалари рейтинги тушиб кетади ва рақобатда ўз ўрнини йўқотишига тўғри келади.